

HUMANISM IN ELEMENTARY STUDENTS THE ESSENCE OF THE METHODOLOGY FOR THE FORMATION OF VIRTUE

Dilrabo Talabova

Scientific researcher of Kokand DPI named after muqimi

Abstract

Humanity of the person is considered as result of the pedagogical activity organized on a large scale. This requires the creation of a rationally formed methodological platform that serves this purpose. After all, the methodological platform is considered the main organizational, preparatory and practical-technological field that creates the possibility of achieving the goal of the study. Therefore, in the process of conducting the study, the main attention was paid to the creation of a methodological platform that serves to form human virtues in elementary school students. The article is about the aforementioned issues.

Key notions: elementary school, students, humanism, humanistic virtue, formation of humanistic virtue, methodology.

Технологиялашган жамиятда ижтимоий муносабатлар таназзулга юз тутмоқда. Жамият аъзоларида волонтаризм, конформизм, эгоцентризм ҳамда индивидуализмнинг яққол намоён бўлиши уларни умум манфаати учун эмас, балки ўзининг хоҳиш-истаклари, эҳтиёжларини қондиришга ундайди. Шарқ халқларига хос бўлмаган бу каби иллатлар кекса авлод, ёрдамга муҳтож шахсларнинг эътибордан четда қолишига сабаб бўлади. Мазкур ҳолатга барҳам беришда энг муҳим чора – шахсда ёшлиқдан бошлаб инсонпарварлик фазилатини шакллантириш ҳисобланади.

Инсонпарварлик – шахснинг ўзида ахлоқий-психологик хусусиятлари мажмуини ифодаловчи сифат бўлиб, унинг негизида инсонни олий қадрият дея эътироф қилган ҳолда унга нисбатан англандан ва хайрихоҳ муносабати ётади [2]. Дарҳақиқат, атрофдагиларнинг ички кечинмаларини англаш, уни тушуна олиш ҳамда унга нисбатан хайрихоҳлик инсонпарвар шахсга хос энг муҳим сифат саналади.

Бошланғич таълим ўқувчиларда инсонпарварлик фазилатларини шакллантиришнинг қулай даври саналади. Бу даврда мактабгача таълим даврининг изчил давоми сифатида ўқувчилар ижтимоий аҳамиятга эга маънавий-ахлоқий меъёрлар билан танишади, уларнинг ҳам шахс ҳам жамият учун афзалликларини тушуна бошлайди. Айнан бошланғич таълим даврида ўқувчиларда ўқиш фаолияти билан боғлиқ ҳолда масъулият туйғуси шаклланади. Бу туйғу бошланғич синф ўқувчиларини оилада уй юмушларига, таълим муассасасида ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш орқали аста-секин тобора мустаҳкамланиб боради.

Тадқиқот иши учун назарий билимларни берувчи объект сифатида 1-4-синфларда ўқитилаётган “Тарбия” [4-7] ўқув фани танланди. Мазкур фанни ўқитишда бошланғич синф ўқувчиларида инсонпарварлик фазилатини

<https://conferencea.org>

шакллантиришга қаратилган илмий-педагогик фаолиятнинг мазмуни тадқиқот жараёнида яратилган методик платформада ўз аксини топди. Методик платформани яратишга қаратилган илмий-педагогик фаолият қуйидаги йўналишда амалга оширилди:

I. Назарий таҳлил. Бунда асосий эътибор умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4-синфлари учун мўлжалланган “Тарбия” ўқув фани [4-7]нинг мундарижасига киритилган мавзулар мазмунини ўрганишга қаратилди. Ҳар бир мавзу уларнинг бошланғич синф ўқувчиларида инсонпарварлик фазилатини шакллантиришга хизмат қилиши; ижтимоий-тарбиявий имконияти, аҳамияти нуқтаи назардан ўрганилди.

II. Дидактик скрининг. Мавзулар орасидан бевосита бошланғич синф ўқувчиларида инсонпарварлик фазилатини шакллантиришга хизмат қиладиган мавзулар ажратиб олинди. Дидактик скрининг натижасида 1-4-синфларга мўлжалланган “Тарбия” ўқув фани [4-7] бўйича қуйидаги мавзулар бошланғич синф ўқувчиларида инсонпарварлик фазилатини шакллантириш имкониятига эга экани аниқланди: 1-синф – 7 та мавзу; 2-синф – 6 та мавзу; 3-синф – 3 та мавзу; 4-синф – 7 та мавзу.

III. Дидактик лойиҳалаш. Тадқиқот жараёнида ажратиб олинган мавзулар бўйича қуйидаги дидактик (таълимий) лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфлари учун мўлжалланган “Тарбия” [7] ўқув фани бўйича ажратилган мавзулар 1-3-синфларда ўқувчиларда шакллантирилган инсонпарварлик сифатлари (ватанпарварлик, киришимлилик, хушмуомалалилик, ўзаро ёрдам кўрсатиш, ҳурмат қилиш, бошқаларга озор бермаслик, бировнинг нарчасига рухсатсиз тегмаслик, табиатни севиш, табиатга эҳтиёткорона муносабат, тежамкорлик, муомала одоби, атроф-муҳитни ифлослантирмаслик ҳамда атроф-муҳитга ва инсонларга зиён этказмаслик, катталарга ғамхўрлик, уларни ҳурмат қилиш, юмушларни бажаришда катталарга кўмаклашиш, эҳтиёткорлик, тежамкорлик, жамоа мулкани асраш, катталар ва аёлларга ҳурмат, одамийлик, ногирон кишига меҳрибонлик қилиш, ўзгаларга ёрдам бериш, дўстлик, ҳамдардлик, ўзаро ёрдам, меҳрлилик, оқибатлилик илтифотлилик, эътиборлилик, хушмуомалалик, ширинсўзлилик, илтифотлилик, оқибатлилик, яхшилик, меҳрлилик, инсонийлик кабилар)га кўшимча равишда қардошлилик, тотувлик, дўстлик, толерентлик, ҳамжиҳатлилик, бағрикенглик, ўтганларни хотирлаш; ўтганларга нисбатан ҳурматни ифодалаш; ўтганларнинг хотирасини ёдда сақлаш; аждодларга муносиб ворис бўлишга интилиш каби инсоний сифатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4-синфларида ўқитиладиган “Тарбия” ўқув фани [4-7]нинг ўқувчиларда инсонпарварлик фазилатларини шакллантиришдаги имкониятларини таҳлилий ўрганилди. Ўрганиш натижаларига кўра, улар орасидан бевосита бошланғич синф ўқувчиларида инсонпарварлик фазилатларини шакллантиришга оид мавзулар танланди.

<https://conferencea.org>

IV. Технологик лойиҳалаш. Тажриба синовидан ўтказиш учун ҳар бир синф (1-, 2-, 3- ва 4-синфлар) бўйича намуна сифатида муайян бир мавзунинг технологик лойиҳаси тайёрланди. Қуйида умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфлари бўйича намуна учун ишланган технологик лойиҳа келтирилади.

Тадқиқотни олиб бориш даврида умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфлари учун мўлжалланган “Тарбия” ўқув фани бўйича “Ўзбекистон – кўп миллатли давлат” [7, – 8-11-б.] мавзуси бўйича технологик лойиҳа тайёрланди.

Дарс мавзуси: Ўзбекистон – кўп миллатли давлат (2-мавзу).

Дарсининг мақсади: ўқувчиларда турли миллат болалар билан дўстлик, толерантлик сифатларини шакллантириш.

Қутилаётган натижа: ўқувчиларда турли миллат болалари билан дўстлик, толерантлик, ҳамжиҳатлилиқ, тотувлик, қардошлиқ, одамийлик, оқибатлилиқ, меҳрли бўлиш, инсонийлик сифатларини шакллантириш.

Дарс жараёнида ҳал қилинадиган таълимий вазифалар:

1. Мавзуга оид матнларни ўқиш.
2. Ўқувчиларга қардошлиқ, одамийлик, инсонийлик, оқибат, дўстлик, тотувлик, ҳамжиҳатлилиқ тушунчаларига оид маълумотларни бериш.
3. “Толерантлик – умуминсоний бирлик” номли вазиятли топшириқларни бажариш.
4. “Суратдаги миллийлик” фото коллаж воситасида ўқувчиларни турли миллатлар, уларнинг кийиниш маданияти билан таништириш.

Дарс шакли: ташхисловчи дарс.

Дарсда қўлланиладиган методлар: ташхис, тушунтириш, интроспекция (ўз-ўзини таҳлил), импровизация (аввалдан тайёргарликсиз ниманидир тузиш ёки тўқиш).

Дарсда фойдаланиладиган воситалар: умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синфи учун мўлжалланган “Тарбия” дарслиги [7], ёзув тахтаси, бўр, қоғозда ифодаланган жадвал.

Дарсда фойдаланилган технология: “Суратдаги миллийлик” фото коллаж технологияси.

Дарс режаси:

1. Мавзуга оид матнларни ўқиш.
2. Мавзуга оид асосий тушунчалар моҳиятини ёритиш.
3. “Толерантлик – умуминсоний бирлик” номли вазиятли топшириқларни бажариш.
4. “Суратдаги миллийлик” фото коллаж воситасида турли миллатлар, уларнинг кийиниш маданияти билан танишиш.

Дарс жараёнининг бориши:

I. Мавзуга оид матнларни ўқиш. Дарс жараёнида ўқувчилар томонидан умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфлари учун мўлжалланган “Тарбия” ўқув фани дарслиги (8-11-бетлар)да берилган матнлар ўқилди.

<https://conferencea.org>

II. Мавзуга оид асосий тушунчалар моҳиятини ёритиш. Дарс жараёнида қуйидаги таянч тушунчаларнинг моҳияти юзасидан ўқувчиларга маълумотлар берилди:

Қардош – бир-бирига яқин.

Одамийлик – бошқаларга ёрдам қўлини узатиш.

Оқибат – ўзаро яқинликнинг натижаси.

Меҳрли бўлиш – яқинларни, атрофдагиларни яхши кўриш.

Инсонийлик – чин инсонга хос сифат.

Ҳамжиҳатлилик – мақсад, интилиш, қарашларнинг бир-бирига яқинлиги.

Тотувлик – ўзаро иноқ, аҳил бўлган кишиларнинг муносабати.

Дўстлик – қарашлари, дили яқин бўлган кишиларнинг муносабати.

Толерант – бошқа миллатнинг эътиқоди, урф-одати, турмуш тарзи, хулқ-атворида тоқат қила олувчи киши.

III. “Толерантлик – умуминсоний бирлик” номли вазиятли топшириқларни бажариш. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг эътиборига қуйидаги вазиятли топшириқлар [3] ҳавола қилинди:

1-вазият. Ўқитувчи синф хонасига кирди ва қўшни мактабга хорижий мамлакатларнинг биридан ўқувчи келганини, унинг ўзбек ва рус тилларида жуда ёмон гапиришини, шу сабабли ҳеч қайси ўқувчи у билан гаплашишни, ўйнашни, бирга партада ўтиришни хоҳламаётганини, аксинча, унинг устидан кулишаётганини, мазах қилишаётганини, бундан бола жуда хафа бўлаётганини айтди. Сўнгра шундай саволларни берди: Бола ўқиётган синфнинг ўқувчиларига қандай маслаҳат берасизлар?

Ушбу саволга ўқувчилар жавоб топишга қийналишаётганини кўрган ўқитувчи саволларни янада аниқ берди:

1. Бошқа юртдан келган болага шундай муносабат қилиш керакми?
2. Нима учун боланинг устидан кулиш мумкин эмас?
3. Агарда ўқувчи сизлар гаплашаётган тилда гаплаша олмаса, ўзингларни қандай тутишинглар керак?
4. Бошқа миллатга (ирққа) мансуб болаларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш керак?

2-вазият. Ўқитувчи шундай вазиятни баён қилди: “Тасаввур қилинглари, кеча сизлар оналарингиз билан болалар майдончасида ўйнаётган эдинглар. У ерда болалар жуда кўп ва хурсанд ҳолда чопиб ўйнар, арғимчоқлар учишарди. Бир пайт майдонда сочи қора, ғайритабиий ўрилган, танаси ҳам қора бўлган бир қизча пайдо бўлди. Бир гуруҳ болалар қизча билан дўстлашмоқчи ва бирга ўйнамоқчи бўлишиб, унга ўз ўйинчоқларини беришни хоҳлади; бошқа гуруҳ эса қизчанинг ўзларига ўхшамагани учун унинг устидан кулишни, уни мазах қилишни бошлади. Сўнгра ўқитувчи, қизчанинг кўриниши тахминан шундай эди, деб мана бу сурат*ни кўрсатди:

* Сурат ушбу сайтдан олинди: https://pixabay.com/ru/photos/search/африки_детей/?page=2.

<https://confrencea.org>



Суратни намоиш қилганидан кейин ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан муносабат қилди:

1. Ҳаётда шундай воқеа бўлиши мумкинми?
2. Сизлар қайси гуруҳ болаларининг ҳаракатларини маъқуллаган бўлардинглар?
3. Нима деб ўйлайсизлар, нима учун биринчи гуруҳ болалари қизча билан бирга ўйнашни хоҳлади, аммо иккинчи гуруҳ болалари эса унинг устидан кулишди?
4. Қизчани хафа қилган болалар унга нималар деган бўлиши мумкин?
5. Қизча билан ўйнашни хоҳлаган гуруҳ болалари уни қандай ҳимоя қилган бўлишлари мумкин?

3-вазият. Ўқитувчи ўқувчиларга турли миллатга мансуб болаларнинг қуйидаги суратлари*ни намоиш қилди ва бирга ўйнаш учун улардан бир-икки нафарини танлашларини айтди:



Африкалик бола



Хитойлик қизча



Германиялик бола

* Суратлар қуйидаги сайтлардан олдинди: <https://www.pikist.com/free-photo-sjyrv/ru>; <https://www.istockphoto.com/ru/фото/национальное-платье-китая-gm639739884-115480789>; <https://www.mknews.de/social/2023/01/27/kazhdyy-pyatyy-rebenok-v-germanii-podverzhen-risku-bednosti.html>; <https://www.vokrugsveta.ru/article/260673>; <https://riamo.ru/article/593411/bolee-80-detej-dostavili-iz-sirii-v-rossiyu-v-etom-godu-xl>; <https://centralasia.news/22411-v-turkmenistane-gosudarstvo-obespechilo-beskompromissnuju-zabotu-o-detjah.html>; <https://centralasia.news/22411-v-turkmenistane-gosudarstvo-obespechilo-beskompromissnuju-zabotu-o-detjah.html>; <https://focusedcollection.com/ru/200315008/stock-photo-portrait-girl-green-national-clothes.html>; https://ru.freepik.com/premium-photo/adorable-kids-from-indonesia-celebrate-indonesian-independence-day_22879142.htm.

<https://conferencea.org>



Япониялик қизча



Суриялик қизча



Туркман қизи



Қозоқ қизи



Тожик қизи



Индонезиялик бола

Ўқувчилар топшириқни бажарганларидан кейин ўқитувчи уларга қуйидаги саволларни берди:

1. Нима учун бу бола (ёки болалар)ни танладинг?
2. Сенга унинг (уларнинг) нимаси ёқди?
3. Сен танламаган болаларнинг нимаси сенга ёқмади?
4. Нима деб ўйлайсан, у қандай характерга эга?
5. Қандай фикрдасан, у ўзини қандай тутди?
6. У ўйнашни ёқтирармикан? Сенингча, у қандай ўйинларни ёқтиради?
7. Сен у бола (болалар)дан нималарни сўраган бўлардинг?
8. Агар сен танлаган бола (болалар) сизларникига меҳмонга келганида унга (уларга) қандай муносабатда бўлган бўлардинг?
9. Сен бу бола (болалар) билан дўстлашган бўлармидинг?

IV. “Суратдаги миллийлик” фото коллаж воситасида турли миллатлар, уларнинг кийиниш маданияти билан танишиш³. Дарс жараёнида ўқувчилар турли миллатлар ва уларнинг миллий ўзига хосликлари билан қуйидаги суратлар воситасида таништирилди:



Қозоқистонлик бола



Мексикалик қиз



Индонезиялик болалар



Тожикистонлик қиз

³ <https://visasam.ru/emigration/perezedsng/posobie-na-rebenka-v-kazahstane.html>; <https://riamediabank.ru/media/3054795.html>; https://bernudarzniece.blogspot.com/2015/01/blog-post_34.html; <https://flomaster.club/65120-deti-v-nacionalnyh-kostjumah-kartinki.html>; <https://mir-skazok.uz/product/andijanskii-kostiyim>; <https://dilizhans-show.kz/tureckie-detskie-nacionalnye-kostjumi>;

<https://confrencea.org>

Чувашиялик
болалар



Россиялик
қиз



Арманистонлик
болалар



Украиналик
қиз



Қирғиз бола



Италян бола



Туркия бола



Араб болалар

Кутилаётган натижага эришилганлик: ўқувчиларда турли миллат болалари билан дўстлик, толерантлик, ҳамжихатлилик, тотувлик, қардошлик, одамийлик, оқибатлилик, меҳрли бўлиш, инсонийлик сифатларининг шаклланганлиги.

Дарснинг юқорида кўрсатилган технологик ёндашув асосида амалга оширилиши умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синф ўқувчилари томонидан “Ўзбекистон – кўп миллатли давлат” мавзусини самарали ўзлаштирилиши учун имконият яратди.

Шундай қилиб, бошланғич синф ўқувчиларида инсонпарварлик фазилатини шакллантириш жараёнига методик жиҳатдан тўғри ёндашиш кутилган натижаларни қўлга киритишга имкон беради. Шу сабабли тадқиқотни олиб бориш даврида “Тарбия” ўқув фани воситасида бошланғич синф ўқувчиларида инсонпарварлик фазилатини самарали шакллантиришга хизмат қиладиган махсус методиканинг ишлаб чиқишга муҳим вазифа сифатида қаралди. Дарҳақиқат, махсус методиканинг инновацион характерга эга технологик элементлар билан бойитилгани кутилган натижаларни қўлга киритишга ёрдам берди.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Дети Африки // [https:// pixabay.com/ru/photos/search/африки_детей/](https://pixabay.com/ru/photos/search/африки_детей/) pagi=2.
2. Кувандикова Г.Г., Чориев И.Р. (2016) Идеи гуманизма как основа современной педагогики // <https://cyberleninka.ru/article/n/idei-gumanizma-kak-osnova-sovremennoy-pedagogiki>
3. Мельникова Е.И. (2018) Методическая разработка “Воспитание толерантности у детей дошкольного возраста через ознакомление с разными национальностями” // <https://nsportal.ru/detskii-sad/vospitatelnaya-rabota/2018/05/27/vospitanie-tolerantnosti-u-detey-doshkolnogo-vozrasta>.

<https://conferencea.org>

4. Tarbiya 1. Baxt va muvaffaqiyat sirlari / Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 1-sinf o‘quvchilari uchun darslik. 1-nashr. N.Ismatova va boshq.– T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. – 64 b.

5. Tarbiya 2. Baxt va muvaffaqiyat sirlari / Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 2-sinf o‘quvchilari uchun darslik. 1-nashr. N.Ismatova va boshq. – T.: – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. – 80 b.

6. Tarbiya 3. Baxt va muvaffaqiyat sirlari / Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 3-sinf o‘quvchilari uchun darslik. 1-nashr. D.Ro‘zieva va boshq. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. – 97 b.

7. Tarbiya 4. Baxt va muvaffaqiyat sirlari / Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 4-sinf o‘quvchilari uchun darslik. 1-nashr. S.Shermuxeamedova va boshq. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020. – 96 b.

Дилрабо Талабова

Муқимий номидаги Қўқон ДПИ илмий изланувчиси